



# O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI BOG‘OT TUMANI HOKIMINING QARORI

Bog‘ot shaharchasi, O‘zbekiston ko‘chasi, 18-uy

2021 -yil 3 - aprel

6564 -son

Bog‘ot shaharchasi

Bo‘got tumani Bo‘got shaharchasi “Oq tepa” mahallasi hududidan tasdiqlangan namunaviy loyiخالар asosida 5 qavatli 20 xonadonli 4 ta uy-joy qurilishi uchun er maydoni ajratish, loyiخال-смета хужжатлари тайёрлаш ва Хоразм вилояти қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш консалтинг маркази орқали танлов савдоларига чиқариш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 ноябрдаги “Ипотека кредити механизмларини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5886-сонли ва “Бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитларини ажратиш орқали аҳолини уй-жой билан таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2021 йил 11 мартдаги ПФ-6186-сонли фармонлари, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Қишлоқ жойларда кўп квартирали уй-жойларни қуришда тадбиркорлик субъектларини кенг жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2020 йил 04 июндаги 355-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида туман хокимлиги ҳузуридаги “Қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича комиссиясининг Боғот шаҳарчаси “Оқ тепа” маҳалласи ҳудудидан намунавий лойиخالар asosida уй-жойлар қурилиши учун лойиخال-смета хужжатлари тайёрлаш ва Хоразм вилояти қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш консалтинг маркази орқали танлов савдоларига чиқариш учун ер майdonи танлаш тўғрисидаги далолатномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 6-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий Давлат хокимияти тўғрисида”ги Қонуннинг 10-моддаларига асосланиб,

## Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Туман хокимлиги ҳузуридаги “Қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича комиссияси”нинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 мартдаги “Бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитларини ажратиш орқали аҳолини уй-жой билан таъминлашга оид қўшимча

чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6186-сонли фармони ва Хоразм вилояти хокимининг 2021 йил 15 мартдаги 81қ-сонли қарорига асосан Боғот шаҳарчаси “Оқ тепа” маҳалласи ҳудудидан лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрлатиш учун ер майдони танлаш ва ажратиш тўғрисидаги далолатномаси ва 2021 йил 2 апрелдаги йиғилиш баёни маъқуллансин.

2. Боғот шаҳарчаси “Оқ тепа” маҳалласи ҳудудидан 2021 йилда тасдиқланган намунавий лойиҳалар асосида 4 та 5 қаватли 20 хонадонли уйлар қурилишига Хоразм вилояти қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш консалтинг маркази орқали танлов савдоларига чиқариш учун қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган 0,36 га ер майдони ажратиб берилсин.

3. Боғот тумани хокимлигига;

-Ушбу қарор билан танланган ер майдонида қурилиш ишларини лойиҳалаштириш учун вилоят қурилиш бош бошқармасидан АРТ-1, АРТ-II (архитектура ва режалаштириш топшириқ)ларини ишлатиб олиш;

-Қурилиш учун лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлатиш;

-Тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатларини вилоят бош архитектори ҳузурдаги шаҳарсозлик кенгашига тақдим қилиш;


-Шаҳарсозлик кенгаши мажлисининг баённомасига асосан лойиҳа-смета ҳужжатларини Давлат экспертизасидан ўтказиш вазифалари юклатилсин.

4. Кадастр агентлиги Боғот тумани бўлими бошлиғи (Д.Рўзибоев) ва Давлат кадастрлари палатаси вилоят бошқармасининг Боғот тумани филиали раҳбари (Э.Эшниязов)лар ўз ҳисоботларига тегишли ўзгартиришлар киритиш вазифаси топширилсин.

5. Ушбу қарорни тасдиғи Халқ депутатлари туман Кенгашининг навбатдаги сессиясига киритилсин.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман хокимининг ўринбосари А.Қурязов зиммасига юклатилсин.

**Боғот тумани хокими**



**Ш.Яхшибаев**